

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ

Урганч шаҳри

2022 йил «14» июль

“Урганч шаҳар Тошкент кучаси йўлини жорий таъмирлаш-1,0 км.” ЛСХни ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш ҳисоб китоби

Объектнинг ҚМИ баҳоси ҚҚС билан - 2 327 047,917 минг.сўм;

Лойиха-қидирув ишлари қийматини аниқлаш тўғрисидаги Низомнинг 4-иловаси

5-устунига асосан ишчи лойихани ишлаб чиқиш қиймати даражаси - 4,0%;

камайтириш қиймати (келишилган) - 0,6;

низомни 2-чи иловаси 4-чи каторига асосан қиймати (купайтириш) - 1,0:

Ҳисобланган қиймат = 2 327 047,917 x 4% x 0,6 x 1,0 = 55 849,150 минг.сўм;

Экспертиза харажатлари билан 55 849,150+1 150,850= 57 000,0

Келишилган қиймат барча солиқлар билан - 57 000 000 сўм.

Лойихачи:

М.У.



ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «14» 7

27-12-180-OB/2022-

сон

ш.

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи "XORAZM YO L KO PRIK QURILISH" МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи директор Н.Сандов бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи "Урганч шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси" номидан иш юритувчи директор А.Эрниязов иккинчи томондан, "Урганч шаҳар Тошкент кучасини жорий таъмирлаш" объектига лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаришни шартномани туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 5 кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топшириқ, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ ҳужжатларини (топология сёмка, қурилишни ташкил этиш лойихаси) ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қондалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Шартнома баҳоси.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (13.07.2022 йил 32715 сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда 57 000 000 (Элик етти миллион) сўмни ташкил этади.

4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг 30 фоизини ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда якуний тўловни амалга оширади.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекти ЛСХ ҳужжатларива нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электртармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича яқунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ ҳужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш ҳажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

Буюртмачининг мажбурияти:

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган ҳужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси конунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буёртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаш шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буёртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Агар лойихачи шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ ва сифатли бажармасдан, яъни буёртмачи билан келишилган ишларни тўлиқ бажармаган ҳолда буёртмачи лойихачидан бажарилмаган ишнинг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга ҳақли.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Фуқаролик кодекси ва бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Бартарафэтиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс – мажор).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарлик данозод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буёртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. Қўшимча шартлар

9.1. Буёртмачи 1.1- бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачитомонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачиолинган бирламчи маълумотларданбошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киридавининг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

11. Бахсларни ҳал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзóra муҳокама қилиниб келишувга эришишимкоғияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага харкандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шартни билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиб муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиб муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Коррупцияга қарши шартлашув

13.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушунishi ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди. Истеъмомчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

13.2. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироз этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

14. Томонларнинг реквизитлари:

Буюртмачи:

Урганч шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси
Урганч шаҳар Хонка кучаси 101 уй

Телефон 62 225 30 33
шх/р - 100022860334017045201110037
ИНН: 206943296

Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисоб варағи
Ғазна ҳисоб варағи: 23402000300100001010
марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
Инн: 201 122 819 МФО: 00014



Лойихачи:

"XORAZM YOL KOPRIK QURILISH"
МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳар Партов кучаси 6-
уй 2 пр

Телефон: 97-791-6525
Х/р - 20208000904600825001
СТИР - 300384037

ОКОНХ
БАНК;ТИФ Миллий банк Урганч филиали
МФО 00547



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**

HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Loyiha ishlari pudrat shartnomasi
2. Ushbu shartnoma loyihasi 2022 yil 13 iyul kuni tizimga kiritilgan va unda "Xorazm yo'l ko'prik qurilish" MChJ tomonidan Urganch shahar Obodonlashtirish boshqarmasining buyurtmasiga asosan Urganch shahar Toshkent ko'chasini joriy ta'mirlash bo'yicha loyiha hujjatlarini tayyorlash nazarda tutilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqorolik Kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi va shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlariga mos kelishi aniqlandi.

Loyiha amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni imzolash maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i

14.07.2022 yil



S.Otaboyev